



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004



@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz

5/2022

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



5/2022

**PUBLISHED
SINCE 2000
(Online since 2020)**

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/5(93)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:

Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Rasulov T.Kh.

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Rashidov O.R.

Doctor of Historical sciences, Docent

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara
state university" is included in the list of
scientific publications recommended to
publish the main scientific results of
doctoral dissertations of the Higher
Attestation Commission under the
Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan on philology and physical and
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers, students,
scientific staff of scientific research
institutions, teachers of academic
lyceums, professional colleges, as well as
researchers in general secondary
education and various fields.*

Founder: BUKHARA STATE UNIVERSITY

Executive secretary:

Sayfullaeva N.Z.

**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:

Shirinova M.Sh.

Raximova S.M.

MUNDARIJA

Tursunov A.R.	Morphological stages of word formation	104
Ubaydullayeva D.F.	The problems in comprehension of english morphology in the process of cesond language acquisition	107
Йўлдашева Х.Қ.	Тилшуносликда бадий матни соционпрагматик аспектда тадқиқ этишининг долзарб муаммолари	113
LITERARY CRITICISM		
Касимова Р.Р.	Таржимашунослик истиқболлари: интертекстуаллик ва мутаржим фаолиятига қўйиладиган талаблар	116
Қосимова Н.Ф., Карбозова Г.К.	Таржимани оптималлаштиришнинг когнитив механизмлари	123
Рўзиев Н.Қ.	Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг жанр ҳамда тил хусусиятларини инглизча таржимада сақлаш маҳорати	127
Касимова Р.Р., Рўзимуродова З.Ғ.	Таржимашунослик тарихи, тараққиёти, турлари ва моделлари	133
Khudayberdiyev A.A.	The artistic concepts of "Homeland" and "Nation" in the works of Siraj ud-din Sidki	140
Ganieva O.Kh.	“East of Eden” романида қаҳрамонлар хулқ-атвориға жамият фикрининг таъсири	146
Mizrabova J.I.	Kalambur semantik xususiyatlarini tarjimada aks ettirishdagi o'ziga xosliklar (u.shekspir pyesalari misolida)	150
Choriyeva M.Q.	Abdurahmon Tamkin Buxoro adabiy muhitining yirik vakili	159
Сафарова З.Т.	Тарбия романларида готик роман элементлари таҳлили	165
Садуллаев Ф.Б.	XX аср АҚШ модерн адабиётининг тарихий ҳамда ижтимоий негизлари	171
“NAVOIY GULSHANI”		
Бекова Н.Ж.	Азал ҳам сен, абад ҳам сен...	177
ECONOMICS		
Zang Hongyan	A case study on international scientific and technological cooperation between China and Uzbekistan	181
Рашидов О.Р.	XX асрнинг 30-йилларида ўзбек зиёлиларининг қатағон этилиши	186

ТАРЖИМАШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ: ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК ВА МУТАРЖИМ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

*Касимова Раъно Рахматуллоевна,**Бухоро давлат университети**Инглиз адабиётишунослиги кафедраси доценти,**филология фанлари бўйича**фалсафа доктори (PhD)**ranokasimova77@mail.ru*

Аннотация. Мақолада адабиёт, психология, роман, интертекстуаллик, квази-интертекстуаллик, метатекстуаллик, гипертекстуаллик, универсализм тушунчалари хусусида фикр юритилган бўлиб, бадиий асар ва психологиянинг шахс хулқ-атвори ҳамда фикрлаш тарзига таъсири ўрганилган. Фанларaro интеграциянинг кенгайиши натижасида таржимашунослик соҳасида янги қарашлар юзага келган. Жумладан, адабиётшуносликдаги мураккаб назариялардан бири интертекстуалликнинг таржимашунослик соҳасида қўлланилиши, мутаржим фаолиятига қўйилган талабларнинг кучайтирилгани, таржиманинг тил, маданият, тафаккур билан боғлиқлиги таржима жараёни орқали ёритиб берилган. Бадиий асар мазмуни ўзгармас, бироқ ижтимоий омиллар ва маданий тушунчаларга қўра аҳамияти ўзгарувчан. Интертекстуаллик назариясига қўра, ҳеч бир асар мазмун-моҳияти алоҳида талқин қилина олмаслиги, бошқа бир асарга, албатта, мурожаат этилиши манба тил (МТ) ва таржима тил (ТТ) матни мисоллари ёрдамида асосланган.

Калит сўзлар: манба тил (МТ), таржима тил (ТТ), интертекстуаллик, квази-интертекстуаллик, метатекстуаллик, гипертекстуаллик, универсализм.

Аннотация. В статье обсуждаются понятия литературы, психологии, романа, интертекстуальности, квази-интертекстуальности, метатекстуальности, гипертекстуальности и универсализма, исследуется влияние искусства и психологии на поведение и образ мышления личности. В результате расширения междисциплинарной интеграции в области переводоведения появились новые перспективы. В частности, интертекстуальность является одной из сложных теорий литературоведения и её применение в области переводоведения выдвигает новые требования к переводчикам. Интеграция перевода с языком, культурой и мыслями раскрывается в процессе перевода. Содержание произведения искусства неизменно, но его значение меняется в зависимости от социальных факторов и культурных концепций. Также, по сути теории интертекстуальности, содержание и суть любого произведения нельзя интерпретировать отдельно, оправдано обращение к другому произведению с примерами текстов на исходном языке (ИЯ) и на языке перевода (ПЯ).

Ключевые слова: текст исходного языка (ИЯ), текст перевода (ПЯ), интертекстуальность, квази-интертекстуальность, метатекстуальность, гипертекстуальность, универсализм.

Abstract. The article discusses the concepts of literature, psychology, novel, intertextuality, quasi-intertextuality, metatextuality, hypertextuality, and universalism, and investigates the influence of art and psychology on personal behavior and way of thinking. As a result of the expansion of interdisciplinary integration, new perspectives have emerged in the field of translation studies. In particular, intertextuality is one of the complex theories of literary criticism and its application in the field of translation studies puts forward new requirements for the translators. The integration of translation with language, culture, and thoughts is illuminated through the translation process. The content of the work of art is unchangeable, but its importance changes according to the social factors and cultural concepts. Also, due to the theory of intertextuality, the content and essence of any work cannot be interpreted separately, it is justified to refer to another work with the examples of source language (SL) and target language (TL) texts.

Keywords: source language (SL), target language (TL), intertextuality, quasi-intertextuality, metatextuality, hypertextuality, universalism.

Кириш. Инсон ва унинг аклий фаолияти, хулқ-атвори ҳамда маданияти психология, санъат, тарих, мантиқ ва ижтимоий фанларни ўзаро боғлаб туради. Ушбу муносабатлар инсон дунёқараши,

эътиқоди, ҳиссиётлари, истаклари ва интилишларидан фойдаланиб, атроф-муҳитни тушуниш ва муаммоларга ечим топиш сингари уринишларни камраб олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature Review). Ақлий ва жисмоний фаолият шахс онгининг ривожланишига, характери билиб олишга имкон яратади. Бунда адабиёт Дэвид Лодж таъкидлаганидек, "... *may be a record of human awareness, the wealthiest and most comprehensive the humankind possesses*" [16;10], инсониятнинг бебаҳо ва мукаммал онгини ёритувчи манба бўлиши мумкин. Н.Чомский ғояларига асосланиб, адабиёт инсон, унинг ҳаёти ва ўзига хос тажрибалари ҳақидаги энг муҳим манбалардан бири, деб айтиш мумкин. Роман макон ва замонда рўй берган воқеалар, инсоннинг уларга муносабатлари ва орттирилган тажрибаларини намоён этувчи санъат асари бўлиб, психологияга қараганда инсон ҳаёти ва шахсиятини ўрганишга кўпроқ аҳамият беради. Бинобарин, инсон адабиёт орқали кўп нарсани ўрганади. Бундан ташқари "*Literature is a social institution using as its medium language, a social creation ... literature represents life, and life is, in large measure, a social reality, even though the natural world or and the inner or subjective world of the individual have also been objects of literary imitation. The poet himself is a member of society, possesses of a specific social status*" [22;94], адабиёт ижтимоий ижодни стандарт тил сифатида қўллайдиган ижтимоий институтдир... адабиёт ўзида ҳаётни акс эттиради ва ҳаёт, кенг маънода, шахснинг табиий ва ички ёки субъектив дунёси ҳам адабий маҳсулот объекти ҳисобланса-да, ижтимоий воқелиқдир. Шоирнинг ўзи муайян ижтимоий мавқега эга жамият аъзоси.

Ж.Каган ва Э.Хевманларнинг таъкидича, "*the science that efficiently considers and endeavors to clarify discernible behavior and its relationship to the inconspicuous mental processes that go on inside the living being and to outside occasions within the environment*" [13;13], психология ажралиб турадиган ҳулқ-атворни ва унинг тирик мавжудот ичида юзага келадиган сезилмас ақлий жараёнлар ва атроф-муҳитдаги ташқи ҳодисалар билан алоқасини самарали текширадиган ва аниқлаштиришга ҳаракат қиладиган фан сифатида ифодаланиши мумкин.

Келтирилган таърифлардан, адабиёт ва психология инсоннинг фикрлаш тарзи, ҳиссиётлари билан узвий боғлиқлиги, психоаналитик олимлар муаллиф ва унинг ижоди ўртасидаги муносабатга оид асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланиши, психологик ёндашув эса муаллифнинг онгли ва онгсиз идроки, истакларини ҳисобга олиши кераклиги англашилади.

Адабий терминлар ва адабий назариялар луғатида роман сўзига берилган "*which is for the foremost portion concerned with the spiritual, emotional and mental lives of the characters and with the analysis of character instead of with the plot and the activity*" [5;709] таърифга кўра, ўқувчининг эътиборини энг аввало, сюжет ва фаолият таҳлилидан кўра персонажларнинг маънавий, ҳиссий ва ақлий ҳаёти ҳамда қаҳрамон характерининг талқинига қаратиш муҳим. Асар воқеалари ва қаҳрамонларининг ижтимоий, маънавий ҳаёти, аксарият ҳолларда, ёзувчиларнинг шахсияти ва хусусиятларини намоён этади. Муаллифлар кўрган, кечирганларини асар мавзусига айлантириб, муаммоли вазиятларни ёритишга уринишади.

Бадний асар ва психология "*the overall pattern of characteristic ways of behaving and thinking that constitute the individual's unique and distinctive method of adjusting to his environment*" [13;422], шахсни атроф-муҳитга мослаштиришнинг специфик ва фарқли усулларини ташкил этадиган ҳулқ-атвор ва фикрлаш тарзининг умумий модели сифатида таърифланади. Ёзувчи тартибга солиш, шакллантириш, ёзиш, таҳлил қилиш, ўзгартириш ва баҳолаш сингари ўз услубига эга шахс. К.Г.Юнг сўзларига кўра, "*the artist's life cannot be something else than full of clashes, for two strengths are at war inside him - on the one hand the common human yearning for bliss, fulfillment and security in life, and on the other a merciless passion for creation which may go so distant as to supersede each individual desire*" [12;229], адабиётшуноснинг ҳаёти тўқнашувлардан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас, чунки унинг ички оламида иккита куч, бир томондан, инсоннинг ҳаётда хурсандчилик, завқланиш ва хавфсиз бўлиш истаги, бошқа томондан эса ҳар бир шахсий истакни ўзгартиришга олиб борадиган ижодкорликка бўлган шафқатсиз эҳтирос курашади.

3. Фрейднинг фикрига кўра, "*the artist with his uncommon endowments moulds his fantasies into an unused kind of reality, and men capitulate them a legitimization as valuable reflections of real life*" [7;141], ғайриоддий қобилиятга эга рассом ўз фантазияларини фойдаланилмаган ҳақиқатга айлантиради ва кишилар уни ҳақиқий ҳаётнинг бебаҳо акси сифатида қабул қилишади. А.Лифевера таъбирича эса, асарни ТҒида қайта яратиш таржимоннинг рассом сифатидаги маҳоратига боғлиқ [15; 3]дир.

Кўриниб турибдики, адабиётшунос ёзувчи ҳаётига турлича тавсиф берилса-да, моҳияти бир хил, ёзувчи ҳамиша ички ва ташқи кучлар куршовидалиги, ички "мен"и ва тасаввурларини ишга солиб, ўз асарини яратади. Абдулла Кодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидаги психологик ҳолатлар таҳлили ва олдинроқ билдирилган фикрлар мисолида, ёзувчини ноёб мактаб ва анъаналарни

яратган қобилиятли рассом, унинг асарларини реал воқелик акси, деб ҳисоблаш мумкин, чунки ёзувчининг таҳлили раҳм-шафқат ва жозибадорлик туйғуларига асосланган. Ана шундай жозибали услуб туфайли Абдулла Қодирийнинг образи ҳамиша чуқур мазмунга эга бўлиб, ўқувчи китобхонни хилма-хил фикрлар гирдобига қолдиради.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Таржимашунослик соҳасидаги туб ўзгаришлар сабаб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз”, П.Қодиоровнинг “Юлдузли тунлар”, “Хумоюн ва Акбар”, Ў. Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Ойбекнинг “Навоий” ва ҳ.к. асарлари бевосита аслият тилидан таржима тилига ўгирилди. Ушбу асарларнинг аслияти ва таржималарини ўзаро қўйиштириш муаллиф психологияси, қаҳрамонлар руҳий ҳолати, мутаржим психологиясини ёритиш, психология фанининг таржимашунослик соҳасига таъсирини аниқлашга имкон яратади.

Кўриниб турибдики, фанлараро интеграциянинг кенгайиши янгича услубдаги таҳлилларга туртки бўлади. Масалан, илгари психологиянинг адабиётга таъсири талқин қилинган бўлса, ҳозирги кунда бадиий адабиётнинг таржималарда ифодаланиши ҳамда таржима тили реципиентига таъсири масалаларини таҳлилга тортамыз.

МТ ва ТТ матнлари хусусида фикр юритарканмиз, таржимашуносликда интертекстуаллик, унинг турлари ва мутаржим фаолиятига қўйиладиган талабларни ҳам санаб ўтишимиз жоиз.

Ю.Кристева фикрларига таяниб, ҳар бир матннинг бошқа бир матн билан алоқадорлиги интертекстуаллик, деб аталиши хусусида олдинги ишларимизда ўз фикр-мулоҳазаларимизни бериб ўтган эдик. Дарҳақиқат, турли даврларда яратилган асарлар бирлашиб, муайян бир тизимни ташкил этади ҳамда исталган ҳар қандай матн ана шу тизимнинг бўлаги сифатида намоён бўлади. Б.Синь таъбири билан айтганда, *“the corpus from other texts is combined into a new meaningful text according to its function”* [28;14], бошқа матнлар корпуси вазифасига кўра янги бир маъноли матн билан боғланади.

Умуман олганда, бугунги кунга келиб, кўплаб олимлар интертекстуалликнинг хилма-хил горизонтал ва вертикал [29], фаол ва пасив [8;123], кучли ва кучсиз [10; 257], интертекстуаллик – транстекстуаллик [6;1], интертекстуаллик – текст, интертекст ва идиограф [23;141] учлиги сингари таснифларини келтиришмоқдаки, бу тушунча мазмун-моҳиятининг кенглигини кўрсатади. Ю.Кристева *“horizontal intertextuality refers to the conversational intertextuality between a paragraph of discourse and a series of other discourses, while the vertical intertextuality refers to those contexts that constitute a discourse directly or indirectly, that is, those discourses that are related to it in various ways from the perspective of history or the contemporary era”* [29], горизонтал интертекстуаллик бир параграф дискурсининг бошқа бир қатор дискурслар билан оғзаки интертекстуаллигини билдирса, вертикал интертекстуаллик тарих ва замонавий давр жиҳатидан бевосита ва билвосита дискурсни таъминловчи контекстни ифодалайди, деб муносабат билдирса, Б.Хатим ва И.Мейсонлар *“Active intertextuality refers to the knowledge and value beyond the text, while passive intertextuality is just to make the text coherent”* [8;123], фаол интертекстуаллик текст тағмотида ётган билим ва қиймат, пасив интертекстуаллик матн изчиллигига эришишдир, деб айтишади. Л.Женни *“Strong intertextuality refers to the fact that a certain text contains discourses related to other discourses, and such a degree is usually obvious, such as quotation plagiarism, etc. Weak intertextuality refers to some content expressions in a text that semantically can arouse associations to other texts, such as similar ideas and themes”* [10;257], кучли интертекстуаллик муайян текстда бошқа дискурсларга алоқадор дискурсининг мавжудлигини англатади. Бундай даража, одатда, аниқ бўлиб, бунга қитаталар плагиатини мисол келтириш мумкин. Кучсиз интертекстуаллик бошқа матнлардаги мазмунан ўхшаш ғоялар ва мавзулар ассоциациясини юзага келтирадиган ифодаларга ишора қилади, деган фикрларни билдиради. Г.Женнет интертекстуаллик хусусидаги фикрларга янада ойдинлик киритиб, интертекстуалликни *транстекстуаллик* деб номлаш кераклигини айтади ҳамда матн ва интертекстуаллик орасидаги иерархик муносабатга эътибор қаратиб, уларни беш турга ажратади: *“Intertextuality, quasi-textuality, meta-textuality, hypertextuality and universalism, emphasizing the hierarchical relationship between text and its intertextuality”* [6;1], интертекстуаллик – *intertextuality is the idea that a given text is a response to what has already been written, be it explicit or implicit* [30] – бу берилган матн хоҳ яширин, хоҳ очик бўлсин, аллақачон ёзилган нарсага жавобдир, *квази-интертекстуаллик – quasi-intertextual every author has and should have a historical consciousness and no text exists of its own in the tradition* [26;299] – ҳар бир муаллифда ўзига хос тарихий онг шаклланиб ва анъанага кўра ҳеч қандай текст ўз-ўзича мавжуд эмас, *метатекстуаллик – metatextuality is a form of intertextual discourse in which one text makes critical commentary on another* [30] – интертекстуал дискурс шакли бўлиб, бир матн бошқасига танқидий изоҳ беради, *гипертекстуаллик – hypertext connects nodes ... through links. The*

primary purpose of a link is to connect one card, node or frame and another card, frame or node that enables the user to jump from one to another [11;3] – нуқталарни ҳаволалар орқали боғлайди. Маълумот, тугун ва фреймларни бошқа бир маълумот, тугун ва фрейм билан ўзаро боғлаб, китобхонни бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтишига имкон яратади ва универсализм – *universalism a universal feature or characteristic[31]* – универсал хусусият.

М.Рифейтер "... *all texts are a matrix and called the first text, while intertextuality belongs to the second text and ideography to the third or second intertext*"[23;141], барча текстларни матрица, деб қабул қилади ҳамда биринчи матнни текст, иккинчисини интертекст, учинчисини идиограф ёки иккинчи интертекст, деб номлайди. Кўриниб турибдики, матн мазмунини шарҳлаш учун бир нечта матнларни йиғиш, уларни биргаликда кўриб чиқиш ва шарҳлашга мўлжалланган матнларни ўзаро бир-бирига боғлаган ҳолда бир тизимга киритиш лозим. Бундай талқин интертекстуал талқиннинг кўплаб муаммоларини ҳал қилиши билан бирга интертекстуал муносабатларнинг очиқлиги ва чексизлигини ҳам намоён этади. Умуман олганда, интертекстуаллик турлича таснифланса-да, унда, асосан, матн шакли ва мазмуни орасидаги мутаносиблик ва ўзаро таъсир масалаларига эътибор қаратилади.

Интертекстуаллик тил ва матннинг тушунарлилиги ва ўзаро алоқадорлик муносабатлари билан тавсифланади. Бир ёки икки тил доирасида матнлар ўз-ўзига ҳавола қилинган ҳолда бошқа матнлар билан аралашиб кетади. Интертекстуалликнинг таржимашунослик соҳасида қўлланилиши эса янгича ёндашувларни кўрсатади, таржимадаги мазмунга доир анъанавий қарашларни ўзгартириб, мутаржимга нисбатан юқори талабларни қўяди [4;135]. Таржимашунослик, одатда, аслият мазмунини трансформация қилиш, деб тушунилади ва кўп ҳолларда таржиманинг сифати З.Джу ва П.Линларнинг таъкидлашича, аслият мазмунига мувофиқлик даражасига қараб баҳоланади [27;71]. Бу борада З.Тен Е.Найданинг "*translation refers to the reproduction of the information of the source language in the closest and most natural equivalent from semantics to style in the target language*" [18;1], таржима аслият матни маълумотларини таржима тилида семантик ва услубий жиҳатдан энг яқин ва табиий эквивалент равишда қайта яратишдир, деган фикрларига таянади.

Е.Д.Хирш эса "...*a text means what its author meant*"[9;126], текст муаллиф назарда тутган маънони англатади, деб ишонади. Олимнинг таъкидлашича, китобхон - ўқувчи муаллиф кўзлаган маънони тушуниши учун текстни талқин қилиши лозим. Шунингдек, Е.Хирш "*текст мазмуни*" ва "*текст аҳамияти*" тушунчалари орасидаги фарқни изоҳлаб, асар мазмуни ўзгармас, лекин аҳамияти вақт ўтиши билан ўзгариб туради, деган фикрни илгари суради.

Бадий асар аҳамиятининг ўзгариб туришини А.Қодирий асарларига бўлган турлича муносабат мисолида кўриш мумкин. XX асрнинг 30-йилларида бадий асарни тушуниш, тушунтириш ва илмий талқин доирасида адибнинг "*янги мафкурага руҳан таниш ва йўлдош бўлиб етмаган*"[1;59]лиги сабаб, асарларидан топилган Б.Карим таъбири билан айтганда, "*жондек нуқсон, "орадан йиллар ўтди; "ёзувчи дунёқарашида ижобий эволюция юз бергани" кашф этилди*"[1;59], деб баҳоланди. "*Даврлар ўтган сари илмий талқинлар тарихий чексизлик қаърига сингиб боради. Аммо улкан истеъдод эгалари ёзган гўзал романлар ҳар доим мухлисларни ўзига жалб этганича абадиёт майдонида туради*"[1;59].

Демак, асар мазмун-моҳияти ўзгармас бўлса ҳам вақт ўтиши билан давр сиёсати ва давлат мафкураси роман талқинига кучли таъсир этган, бироқ ўзининг ҳақиқий мухлисига эга асарлар қиймати ҳеч қачон ўзгармаган.

Таржиманинг асосий манбаи матн бўлиб, бир нечта маъноларни ўз ичига қамраб олган матнни ўзга тилга ўзгартириш, муаллиф, таржимон, китобхон ўртасида замон ва макон бўйлаб мулоқотга киришиш сингари интертекстуал фаолият, шунингдек, танлаш, сингдириш, яратиш ва вариантлик каби интерактив жараён ҳамдир. Интертекстуаллик муаллиф, таржимон, таржима тили китобхони ҳамда танқидчиларнинг психологик фаолиятидир. Муаллиф ва ТТ китобхони ўртасидаги воситачи мутаржим ёзувчи мақсади, асар мавзун, коннотациясига оид манбалар билан танишиб чиқиши лозим. Шунингдек, мутаржим, таржима жараёнида ТТ китобхони идрокни, унинг психологиясини иноватга олиб, турли маданиятга доир маълумотларни қиёслаш, уларнинг фарқи ва ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш, китобхонни МТ ва ТТ маданияти интертекстуал ассоциацияларини тушунишга, ТТ маданиятига бўлган қизиқишини орттиришга, ўхшаш интертекстуал ассоциацияларни излашга йўналтиради. Шундай қилиб, таржима тил, матн ва мазмун мулоқоти бўлибгина қолмай, МТ матнлари ва ТТ матнларини мазмунан бойитиш ва бир-бирини тўлдиришдир.

Таржимашуносликда интертекстуаллик ёндашувларининг қўлланилиши мутаржимларга қўйиладиган талабларни ҳам ўзгартиришга сабаб бўлади. Интертекстуаллик назарияси матн яратиш, талқин қилиш ва уни қайта ёзиш аспектларини қамраб олса, таржима матн ва маънони тиллараро

трансформация қилишдир. Кўриниб турибдики, таржима ҳам интертекстуал фаолият, чунки МТ ва ТТ матнлари билан иш кўради. З.Джу таъбири билан айтганда, МТ биринчи текст сифатида қабул қилинса, ТТ қайта яратилган иккинчи текст ҳисобланади ва мазкур жараёнда мутаржим МТ матнини ўқийди, талкин қилади ва ТТда қайта яратади[27; 71]. Бу жараёни муваффақиятли яқунланиши эса кўп жиҳатдан мутаржимнинг аслиятни англаши, МТ ва ТТ матнлари орасида воситачилик фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бунда таржимон – китобхон, таржимон – изоҳловчи (шарҳловчи), таржимон – муаллиф каби йўл тутаяди.

Китобхон сифатида мутаржим МТ матнини диққат билан ўқиб, маъносини тўлиқ тушуниши учун матнга доир интертекстуал билимлардан фойдаланиши лозим, чунки шу асарга оид маълумотларни ёки шунга ўхшаш асарларни аввал ўқиган ва муайян бир тушунча, таассуротларга эга бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, китобхон матни ўқисагина, уни синчиклаб талкин қилади, мазмун-моҳиятини англаб етади, уни ўз дунёкараши билан тўлдирди. Бунда китобхоннинг дунёкараши, ташаббускорлиги, ижтимоий ва маданий омиллар кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Интертекстуаллик назариясига ёндашиладиган бўлса, бирор бир матн тўлиқ яқунланмайди, чунки ҳар бир китобхон мутолаа жараёнида С.Сан таъкидича, ўзига хос *“competent model”*[25;180], яъни компетентлик моделига, ижтимоий-маданий хусусиятларга таяниб, матндаги бўшлиқларни тўлдирди.

Изоҳловчи (шарҳловчи) таржимон интертекстуаллик назарияси жиҳатидан МТ матнини юқори даражада англаши ва диққат билан ёритиб бериши учун адабий мавзулар, матнда кўзда тутилган тарихий ва ижтимоий воқеалардан хабардор бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари таржимонлар нотаниш контентни ифодалашда зарур кўникма ва стратегияларни яхши билиши, адабий мазмунни тўлиқ ўрганиш ва намоён этиши лозим. Умуман олганда, мутаржимлар матн мазмунидан тортиб шаклигача, услубигача изоҳлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Т.Элиот айтганидек, ёш шоирлар ўрнак олишади, етук шоирлар МТни ўзгартиришга уринишади: *“As Eliot said, the young poets follow the example, and the mature poets try to change the source text”*[17;1108]. Демак, таржимон субъектив нуқтаи назарини тўлиқ ишга солсагина, турли интертекстларни ишонарли изоҳлай олади.

Таржимон – муаллиф сифатида МТ матнини бошқа тилда онгли ва онгсиз равишда қайта ёзади, бевосита ва билвосита интертекстуал муносабатларни акс эттирган ҳолда ифода этади. Матн мазмунини англаш мақсадида асарни ўқийди, ортга қайтади, мулоҳаза қилади ва шундан кейингина таржима маҳсулини яратади. Таржима мутаржим субъектив ёндашувини тўлиқ намоён этадиган ёзиш ва қайта яратиш жараёнидир. Бадний таржима МТ матнини қайта яратиш, регенерация қилиш жараёни, мутаржим эса регенерация қилинган манба яшовчанлиги, ўқимишлилигини таъминловчи шахс.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай бадний асар бошқа бир асар билан боғлиқликда талкин қилинади. Ю.Кристева таъкидлаганидек, *“any text hides the accumulation of cultural traditions of a culture and is a book in the book”*, ҳар қандай текст маданий анъаналар тўпламини камраб олган китоб ичидаги китобдир. Шундай экан, таржимонлар МТ матни мазмунини ҳаққоний тарзда акс эттириш билан бирга ТТ матни реципиентларининг қабул қилиш қобилияти ва уларга таъсирини ҳам инобатга олиши керак.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). МТ китобхони аслият маданияти хусусида муайян бир фикрга эгалиги сабаб асар моҳиятини прагматик жиҳатдан тахмин қила олади. Бироқ ТТ китобхонлари учун МТ маданияти нотаниш бўлиши, МТ китобхони сингари прагматик маънони англамаслиги, чалкашиши мумкин. Шунинг учун кўплаб маълумотлар, текстларнинг бир-бирига ҳавола қилиниши орқали қўшимча маълумот бериб борилади. Илк ўзбек тарихий романларида кўплаб ғоялар, сўзлар ўша давр билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

МТ матни: *“Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳландириб борар, милтиқ, шашвар туткан ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қариши олар эдилар ва Азизбекнинг “Раҳмат фуқароларим!” сўзини эшитиб яхшигина талтайишиб қолар эдилар. Шу равишда Кўкча, Чигатой, Сакбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзах дарбозаларини ўтиб, энг кейин Қашқар дарбозасига етдилар”*[3;85].

ТТ матни: *“The Hudaychi led Azizbek, warning the guards of his arrival. The defenders, both young and old, welcomed him. After hearing Azizbek’s blessings to the citizenry, they felt great joy. In this manner the retinue passed through the Kokcha, Chigatay, Sagbon, Qoraserai, Takhtapul, and Labzak Gates. Finally, they arrived at the Kashgar Gates”*[19;106].

МТ матни ва ТТ матнидан келтирилган мисолларда Тошкент шаҳридаги дарвозалар санаб ўтилган. Муаллиф ҳам, таржимон ҳам ушбу дарбозаларнинг тарихда мавжудлиги ҳақида китобхонга қўшимча маълумот киритишган. Бу каби маълумотлар ўзбек тилида

квази-интертекстуалликка мисол бўлса, инглиз тили таржимасида гипертекстуалликка мисол бўла олади. Ҳеч қандай текст ўзича мавжуд бўлмаганидек, МТ муаллифи онгида тарихда мавжуд бўлган Тошкент дарвозалари номлари эканлиги ҳақида маълумот шаклланди, бироқ ТТ мутаржими дарвоза номларини санаб ўтиш билан бирга, уларнинг қўлланилиш сабабини тарихий далиллар билан боғлайди. Фикримизни асослаш мақсадида МТ ва ТТ матнларида келтирилган маълумотларни мисол тариқасида беришни жоиз, деб билдик.

МТ матни:

“Тошканднинг булардан бошқа яна Қўқон, Қаймас ва Бешёғоч исмли дарвозалари бўлиб, ҳаммаси ўн икки дарвозадир. Қаймас дарвозаси бу кунги Тупрокқўрғоннинг эски шаҳар муюлишида (Ўқчи маҳаллада) (муал.)”[3;85].

ТТ матни:

“Kokcha, Chigatay, Sagbon, Qoraserai, Takhtapul, and Labzak gates: The gates mentioned were part of twelve gates that comprised a radial design of the city walls prior to Russian conquest. Each gate has a corresponding road that denotes either the direction of the road, the tribe associated with the maintenance of the gate (e.g. there were fifteen tribes that settled Tashkent and drew taxes from travelers entering through their gate), or the function of the community surrounding the gate, as in the case of the Sagbon, who were widely regarded as shepherds or Sagboni. All of these roads led to Chorsu Bazaar. Here Azizbek's retinue moves clockwise through the various gates surrounding the city to finally arrive at the eastern gate, Kashgar Gate, just north of the Qoqan Gate. Prior to Tashkent's annexation by the Qoqan Khanate in 1808, Alim Khan expanded the fortifications, increasing the number of city gates. By 1865, the main walls of the city incorporated the western gate, Kukcha, the northwest gates, Samarqand Darboza, the northern gates Sagbon, Karaserai, Teshlik kopchia, and Takhtapul; the southern gate Kamolon and Beshagach; the eastern gates before the channel Anhor where the streets Labzak and Shayhontahur were made into a fortified wall, with Labzak becoming gate north-east of the city walls. Koimas, which means “impassable gate” was the last to be made into a gate due to the sparse population”[19;449].

МТматни: *“Низор ойимнинг қозони йўқча, елча зўтти фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин маҳдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қилса ҳам қоплаб шалғам, йигирма-ўттизлаб қовоқ харид қилишини қўймас – “шалғам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўжизалари” деб баҳоси арзон ва лекин хосияти кўб бўлган бу маблаглар билан ошхонани тўлдирар берар эди”[2;7].*

ТТ матни: *“They ate meat only when they cooked pilaf. But Mah-dum used to provide the kitchen with some vegetables like turnips, pumpkins and beetroots. Even though his wife used to refuse what he brought and asked him not to do so, he said that turnip was a gift of Saint Fotimai Zuhra and the pumpkin was the miracle of Saint Yunus. So he brought all kinds of cheap stuff to his house for different religious reasons”[21;16].*

Аслият матнида интертекстуаллик намунасини Солиҳ Маҳдумнинг *“шалғам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўжизалари”* гапида кузатишимиз мумкин. Қахрамон бу ўринда Фотимаи Зухра ва Юнус пайғамбар ҳақидаги маълумотларга ишора қилади. Мазкур матн ТТ матнида *“... turnip was a gift of Saint Fotimai Zuhra and the pumpkin was the miracle of Saint Yunus”* тарзида ифода топган. Ушбу маълумотларнинг ТТ китобхонига тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида атоқли номлар олтидан *saint* сўзи ишлатилиб, уларнинг авлиё даражасидаги инсон эканлиги ва *religious reasons* бирикмаси орқали диний қарашлар билан боғлиқлиги акс эттирилган.

Бу ҳақда “Меҳробдан чаён” асарининг лотин ёзувидаги нашрида шундай маълумот келтирилган: *“Fotima-i Zuhra (taxm.605/606-632/633) – Muhammad (s.a.v.)ning kenja qizi. Fotima go'zal bo'lgani uchun nomiga Zahro ismi ham qo'shib aytiladi. Yunusning mo'jizasi – qovoq haqida “Qur'on” kitobining “Soffat” surasining 146-oyatida ma'lumot berilgan. Ushbu oyatlar mazmunida Alloh taolo Yunus alayhissalomonning nahang (ayrim manbalarda kit deyilgan) tomonidan yutib yuborilishi, so'ngra uning qornidan butun chiqishi va quruqlikda uning ustiga Alloh taolo soya bo'lishi va uning qorni to'q bo'lishi uchun qovoq daraxtini o'stirib qo'yganligi bayon qilingan”[20;16].*

Хулоса ва Таклифлар (Conclusion / recommendations). Умуман олганда, интертекстуаллик назарияси таржима назарияси билан кўп жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, унга таъсир ўтказди. Интертекстуаллик таржима амалиётида тегишли далил ва ҳаволаларни аниқлашга имкон бериш

билан бирга мутаржимларга сифатли таржима жиҳатидан юқори талабларни қўяди.

Шунинг учун таржимонлар ўз тафаккур доирасини кенгайтириши, таржиманинг моҳиятини чуқур англаши, маданиятлараро бой маълумотга эга шахсга айланиши, МТ ва ТТ маданияти ва ижтимоий тарихи ҳақида имкон қадар кўпроқ манбаларни ўрганиши керак. Фақат шу йўл орқали мутаржим интертекстуаллик ҳодисасини тўғри идрок этади, МТ матнидаги маданий коннотация ва коммуникатив маълумотларни талқин қилади, ТТ ижтимоий тенденциялари, лингвистик ва маданий одатларига мослаштиради ҳамда мамлакатлараро маданий алмашинув ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б.Карим. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: “Академнашр”, 2014. – 256 б.
2. Қодирий Абдулла. Мехробдан чаён (Худоёрхон ва мушйиллари ҳаётидан тарихий рўмон). – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1994. – 149 б.
3. Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар; Мехробдан чаён: Рўмонлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1994. – 655 б.
4. Chen C. Application of intertextuality theory in translation practice. *Journal of Huanggang Normal University*, 2009. – № 4. – pp. 135-138.
5. Cuddon, J.A. *The Penguin dictionary of literary terms and literary theory*. – London: Penguin. 2000. – 1024 p.
6. Genette G. *Palimpsests*. Trans. Newman C. and Doubinsky C. – University of Nebraska Press, 1997. – 491 p.
7. Freud S. *Creative Writers and Day-dreaming*. Trans. by James Strachey, In the *Standard Edition of the Complete Psychological Works of Sigmund Freud*, ed. James Strachey, vol. IX. – London: The Hogarth Press, 1959. – pp. 141-154.
8. Hatim B., Mason I. *Discourse and the Translator*. – London: Longman, 1990. – 272 p.
9. Hirsch E.D. *Validity in Interpretation*. – New Haven: Yale University Press, 1967. – 304 p.
10. Jenny L. La stratégie de la forme, special issue, *Poétique* 27. – pp. 257-281.
11. Jonassen D.H. “Hypertext/hypermedia”. *Educational Technology*, 1989. – 91p.
12. Jung C.G. *Psychology and Literature*. Trans. by W.S.Dell and C.F.Baynes. *From Modern Man in Search of a Soul*. – London: Routledge, 1990. – pp. 229-230.
13. Kagan Jerome and Havemann Ernest. *Psychology: An Introduction*. – Harcourt, Brace & World; First Edition, 1968. – 597 p.
14. Kristeva J. *The Kristeva Reader*. Edited and introduced by Toril Moi. *Word-Dialogue-and-Novel*. – New York: Columbia University Press, 1986. – 327 p.
15. Lefevere A. Introduction: *Comparative Literature and Translation*. *Comparative Literature*, 1995. 47(1). – pp.1-10.
16. Lodge D. *Consciousness and the Novel*. – Random House, 2002. – 244 p.
17. Long Yi, Gaofeng Yu. *Intertextuality Theory and Translation*. *Theory and Practice in Language Studies*, Vol. 10, No. 9. September 2020. – pp. 1106-1110.
18. Nida E., Taber Ch. *The Theory and Practice of Translation*. – Leiden: E.J.Brill, 1982. – 218 p.
19. O'tkan kunlar (Bygone days) by Abdullah Qodiriy. Translated by Mark Reese. – Published by Muloqot Cultural Engagement Program. – 495 p.
20. Qodiriy Abdulla. “Mehrobdan chayon”/roman/ “Adabiy barhayot asarlar” turkumi/ Nashrga tayyorlovchi: Xondamir Qodiriy. – Т.: “Navro'z”, 2019. – 288 б.
21. Qodiriy Abdulla. *The Scorpion from the Altar: Novel*. Translators: I.M.Tukhtasinov, U.R.Yoldoshev, A.A.Khamidov. – Т.: “Mashhur-Press”, 2019. – 272 p.
22. Rene Wellek and Austin Warren. *Theory of Literature*. Third edition. – New York: A Harvest Book. 1956. – 362 p.
23. Riffaterre M. *Intertextual Representation: On Mimesis as Interpretive Discourse*. *Critical Inquiry*. – Published by: The University of Chicago Press, 1984. – Vol.11. №1. – pp. 141-162.
24. Scholes R.E., Comley N.R., Ulmer G.L. *Textbook: An introduction to literary language*. 2nd edition. – New York: St. Martin's Press, 1995. – 317 p.
25. Sun S. Intertextuality theory and translator's identity. *Journal of Hebei University of Science and Technology*, 2008. – № 4. – pp. 180-182.
26. Zengin M. *An Introduction to Intertextuality as a Literary Theory: Definitions, Axioms and the Originators*. *Pamukkale Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi*. Sayı 25/1, 2016, Sayfa 299-326.
27. Zhu Z., Lin P. *Poetry: translation and adaptation*. – *Foreign language research*, 2002. – №4. – pp. 71-74.
28. Xin B. *Pragmatic analysis of intertextuality*. – *Foreign language studies*, 2000. – №3. – pp. 14-16.
29. <https://www.britannica.com/biography/Julia-Kristeva>
30. <https://wikidiff.com/metatextuality/intertextuality>
31. <https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/universalism>